Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

22 февраль, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 38 (1291)

## МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Тошкентда Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Анжуманни республика пойтахти ҳокими Козим Тўлаганов очди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти, ички ишлар вазири Зокир Алматов маъруза қилди. Маърузачи бу йил мустақилликнинг беш йиллигини нишонлайдиган мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, одамларни соғломлаштириш учун жуда кўп иш қилинаётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Олтин Олимпиа ордени билан мукофотлангани ҳам бежиз эмас.

Мустақил Ўзбекистон фақат иқтисодиёт, сиёсат ва маданият соҳасидагина эмас, шу билан бирга спорт, жумладан футбол соҳасида ҳам муваффақиятларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда, — деди маърузачи. Республика миллий терма командаси XII Осиё ўйинлари чемпиони бўлди, Африка чемпиони — Нигерия миллий терма командаси билан учрашувларда ҳам яхши ўйин кўрсатди.

Шунга қарамай, кўпгина масъул шахслар футболга расмиятчилик ва лойқайдлик билан муносабатда бўлишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг кўпгина бандлари бажарилмай қолишининг сабаби ҳам ана шунда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 январдаги мажлисида бу ҳақда жиддий гаплашиб олинди. Бунда Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда футболнинг қандай аҳволда эканлигига танқидий баҳо берди.

Сўнгра маърузачи футболнинг ўринбосарлар тайёрлашдаги камчиликлари, оммавий футболнинг талабларига жавоб бермаслиги, мини-футболни ривожлантириш даражасининг пастлиги, айрим стадионларнинг яхши жиҳозланмагани, кўпгина умумий таълим мактабларида спорт майдонлари ва спорт анжомларининг йўқлиги каби муаммоларга тўхталди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилмоқда? Бу қарорнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда футболнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга имкон берибгина қолмай, уни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш учун шарт-шароит яратади.

Қарорнинг айрим бандлари бажарилди, деди маърузачи. Бироқ, жойларда ташаббуснинг йўқлиги ҳамон ташвиш туғдирмоқда. Ташаббус бўлмаса, муваффақиятга эришиб бўлмайди, муҳим муаммоларни ҳал этиш ҳам қийинлашади. Муаммолар эса жуда кўп. Энг муҳим муаммолардан бири ўринбосарлар тайёрлаш масаласидир. Биринчи тоифадаги 26 командада ёши ўттиздан ошган 92 спортчи бор. Олий тоифадаги 16 командада 32 футболчининг ёши ўттиздан ошган. Бу хусусда жиддий ўйлаб кўриш керак.

Сўнгра маърузачи болаларнинг махсус спорт мактаблари ва бўлимлари ишида тўхталди. Республикада махсус мактаблар ва уларнинг бўлимлари сони 290 тадан кўпроқ. Афсуски, уларнинг кўпчилиги малакали футболчиларни тайёрлаётгани йўқ. Маърузачи футбол усталари командалари қошида ўринбосарлар гуруҳлари йўқлиги хусусида жиддий ташвиш билдириб,. эндиликда бундай командаларнинг мусобақаларда иштирок этишига рухсат берилмаслигини таъкидлади. Маърузачи футбол мусобақаларида ҳакамлик қилишнинг айрим нохолис ҳоллари тўғрисида гапириб, ҳакамлар ишини назоратчи ҳакамлар кузатиб туришини таъкидлади.

Нотиқ маърузасининг пировардида миллий терма команда олдида жуда масъулиятли учрашувлар турганини айтди. Спортчиларимиз Осиё чемпионатида чемпионлик унвонини ҳимоя қилиши керак. Улар айни пайтда жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида иштирок этишади. Бу учрашувларга фақат футболчилар эмас, Ўзбекистонда футбол муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ барча кишилар тайёргарлик кўришлари керак.

Музокарада сўзга чиққан кишилар республикада футболни ривожлантиришнинг бир қанча долзарб муаммолари тўғрисида гапирдилар.

Анжуман охирида «Нефтчи», МҲСК, «Пахтакор», «Дўстлик» командалари ҳамда футбол бўйича хотин-қизлар командаси эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Ўзбекистонлик тўрт ҳакам — Зокир Абдуллаев, Сардор Нажафалиев, Ноил Лутфуллаев ва Бобур Ҳайдаров ФИФА лицензияларини олишди. Бу лицензиялар уларнинг халқаро учрашувларда бош ҳакамлик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Республикамиздаги футбол ҳакамларидан етти киши халқаро учрашувларда бош ҳакам ёрдамчиси бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Анжуман ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).



*Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги аъзолари ўтган йилни барча соҳаларда қувончли якунладилар. Пахтачиликда эришилган ютуқлар айниқса, салмоқли бўлди. 650 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.*

*Айни кунларда ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш билан бирга баҳорги экиш мавсумига техника воситаларини шайлашга катта эътибор қаратилмоқда.*

*СУРАТДА: туман кенгаши депутати, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Жулибоев, механизаторлар Д. Аҳмедов, А. Тиркашев ҳамда созловчи А. Мадвалиев билан техника паркида таъмирлаш ишлари сифатини кўздан кечирмоқда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

***Бухоронинг Когон шаҳридаги — Аҳадхон саройида «Ипак йўлининг тикланиши: Ўзбекистонда маърифий сайёҳликни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзуидаги халқаро анжуман бошланди.***

Унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган давлат ва жамоат арбоблари, БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Европа иттифоқи каби ўнлаб халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов кириш сўзи билан очди ва халқаро конференция иштирокчиларига Президент Ислом Каримовнинг табригини етказди.

Бош вазир ўринбосари халқаро анжуман иштирокчиларини Парижлан келган қувончли хабар — ЮНЕСКО Бухорои шарифни жаҳон маданий мероси ҳисобланувчи шаҳарлар сафига қўшганидан воқиф этди. Шу муносабат билан ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Томас Келлер вилоят ҳокими Мавлон Раҳмоновга Бухоро ЮНЕСКО муҳофазасига олингани ҳақидаги ёрлиқни топширди.

Халқаро конференция иштирокчилари уч кун давомида қадимий ипак йўлини тиклаш, мамлакатимизда сайёҳликни янада тарққий эттириш, маданий ва маърифий меросни авайлаб-асраш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Маросим сўнгида «Ўзбекистонда халқаро сайёҳликни ривожлантириш ва ҳаракатлар режаси» лойиҳаси имзоланди. Уни БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев имзолади.

(ЎзА).

*• Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?*

## ҲЕЧ КИМ ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

***Яширишнинг ҳожати йўқ, 1992 йилгача омонатларга пул қўйган аҳолининг маблағлари шундайлигича қолиб кетса, ғоят адолатсизлик бўларди. Ахир, бир бош сигир олишга қурби етган омонатчи бугунга келиб ўша пулга бир литр сут ололмаса, алам қилмайдими?***

Шу жиҳатдан юртбошимизнинг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Уни фуқаролар умид ва қувончлар билан кутиб олишди.

Биз Халқ банкининг 244-Андижон шаҳар бўлимидамиз. Назоратчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир омонат дафтарчани варақлаб, маблағларни ҳисоб-китоб қилади, бошқа биров натижаларни компьютерга киритади. Айни чоғда омонатчилар билан ишлаш ҳам қизғин бораяпти.

Биз томон яқинлашаётган фуқарони саволга тутамиз.

— Абдуғулом Каримов, Андижон шаҳрида яшайман, — ўзини таништирди у. — Беш йил муқаддам омонатга 10 минг сўм қўйган эдим. Пулнинг қадрсизланишидан хавотирга тушиб, омонатга пул қўйишдан ҳафсалам совиётган эди. Лекин иккиланишларим беҳуда экан. Юртбошимизнинг Фармонидан сўнг ана шундай қарорга келдим. Энди эҳтиёжимиздан ортганини яна омонатга қўймоқчиман.

Банк назоратчиси Муҳаббат Қобулова билан иш устида суҳбатлашдик.

— Бўлимимизда инвентаризация ишлари тугалланди., — деди у. — Омонатчилар маблағини ҳисоблаб, индексацияга тайёрлаб қўйдик. Албатта, ўтган муддатда ишларимиз осонликча кечгани йўқ. Ҳар бир операцияни ҳисобга олиш, маблағларни жамлаш ... Аммо ҳар қанча машаққат бўлса-да, омонатчилар кўнглини ололсак, шу — бизнинг ютуғимиз.

Халқ банкининг вилоят бошқармаси томонидан нуфузли комиссия ташкил этилиб, унга турли муассасалардан вакиллар жалб этилган. Шаҳарлардаги бўлимларда эса «ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Навбатчилар омонатчиларнинг турли сўровларига жавоб беришмоқда. Умуман, 624 нафар банк ходими индексация юмушлари билан шуғулланаётир.

— Ҳар бир ахборот, омонатчиларнинг маблағлари ҳақидаги маълумот компьютер программасига жойлаштирилаяпти, — деди бошқарма бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Солиев, — Вилоятимиз бўйича 325 минг омонатчининг 424 миллион 216 минг сўм маблағи индексация қилиниши керак. Ҳозиргача Бўз, Шаҳрихон, Избоскан, Андижон туманлари, Андижон, ва Асака шаҳарларидаги бўлимларимизда инвентаризация ишлари ниҳоясига етказилди.

Халқ банки бўлимларида янги омонат дафтарчалари ҳам аллақачон тайёрлаб қўйилган. Якуний ишлар тугаллангач, индексация суммаси зудлик билан дафтарчага ўтказилади. Омонатчилар эса бу йил унинг 10 фоизини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қолган маблағ босқичма-босқич берилади. Албатта, қолдиқ суммасига ўз навбатида банк фоизлари қўшилиб берилади.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ТАШАББУС»

**фельетон ўрнида**

***СУРХОНДАРЁ ташаббускор юрт. Битта машина билан минг тонна пахта териш ҳаракати ҳам худди шу ердан Ўзбекистонга тарқалган. Ҳар гектар ерда 60-70 центнердан пахта етиштириш ташаббусини эса қўмқўрғонлик Ҳасан Муҳторов бошлаб берган эди.***

Биз элга овоза бўлган бундай «ташшабус»ларнинг юздан бирини айтаяпмиз. Агар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ташаббуслар ва уларнинг элга келтирган «нафи», халқнинг улардан кўрган «манфаатлари»ни санайман десангиз, Абдулла Қаҳҳорнинг ибораси билан айтганда, «отпускага чиқиб ишлаш керак».

Хуллас, сурхондарёликлар ташаббуссиз... туролмайдилар. Бултур улар 100 минг гектардан зиёд ғаллазордаги ҳосилни 25 кунда йиғиштириб олиш ташшабуси билан чиқдилар. Ваҳоланки, бурноғи йили ғаллазорлар кам бўлган ҳолда ўрим 75 кун давом этган эди! Шу муносабат билан бутун Ўзбекистондан ва Қорақалпоғистондан ғалла ўримига масъул бўлган раҳбарлар, мутахассислар Сурхондарёга таклиф этилди — катта машғулот бўлди. Сурхондарёнинг ташаббускор раҳбарлари қандай қилиб 25 кунда ғалла ўримини якунлашнинг йўлларини айтиб беришди. Меҳмонлар уларни олқишлаб, роса қарсак чалишди. Куй-қўшиққа уланиб кетди, деганларидек, элнинг эркаси, бойсунлик Шоберди бахши бу ташаббусни қўшиққа солиб айтди, ўйнамаган одам қолмади.

Эртасига меҳмонлар тарқаб кетишди. Бу анжумандан, айниқса, фарғоналиклар катта таассурот олган эканлар — ўрим суръатини шу даражада ошириб юборишдики, ташаббускорлардан ортда қолмайлик деб, Ўзбекистонда биринчи бўлиб топшириқни бажариб қўйишди. Андижонликлар билан наманганликлар ҳам ташаббускорлардан ўзиб кетишди.

Ташаббускор сурхондарёликлар эса... Улар ҳам жуда қаттиқ меҳнат қилишди — ғалладан бошқа ҳамма иш йиғиштириб қўйилди, барча ўримга сафарбар этилди. Айниқса, ҳосилни талон-торож қилишларга қарши қаттиқ кураш эълон қилинди.

Бу баёнлар қуруқ бўлмаслиги учун бир тафсилотни айтайлик. Вилоятдаги донгдор «Ҳазорбоғ» жамоа хўжлигининг хирмонига дон олиб келган тракторчининг қайтар чоғи, ҳатто, ўриндиғининг таги ҳам кўздан кечирилар эди. Бора-бора тарктрочиларнинг ўзлари ҳам бу тартибга ўрганиб қолишди: назоратчи талаб қилмаса ҳам «Мана, ҳеч нарса йўқ!» деб кўрсатишар эди.

Вилоят миқёсида жорий этилган бу назоратлар қанчалик қаттиқ бўлмасин, барча имтиёз ва ваколатларга эга бўлганлар армонсиз ўғирлашди: қоплаб эмас, машиналаб ўмаришди, назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган йўллардан Тожикистонга ошириб юборишаверди. Бундай ўғирликлар ҳозир ҳам тўхтагани йўқ: Турсунзода шаҳридаги катта бозорга борсангиз унга, буғдойга тўла (копларни эмас!) «КамАЗ»ларни кўрасиз, чангитиб сотиб ётишипти барака топгурлар!.. Энди бу мавзуни шу ерда тўхтатиб, ғалла ўримига қайтамиз.

Шундай қилиб, улар қанчалик зўр беришмасин, ўрим одатдаги маром билан давом этди. Хўжалик сектори у ёқда турсин, ҳатто, чорвадор фермерларнинг ғалласини ҳам олишди. Чорвадор «Ахир мен мол боқиш, маҳсулот етиштириш учун ер олиб, дон-озуқа экканман, сизнинг планларингизни бажариш учун бор ғалламни топшириб юборсам, молни нима билан боқаман», деган эди, раҳбарлар «бугун бизнинг айтганимизни қилиб туринг-чи, эртага бир гап бўлар» дейишди. Ғалла тайёрлаш топшириғини бажариш учун, ҳатто, лалми ғаллазорларнинг бошига бориб қоровуллик қилишди. Аммо бир халқ мақолида айтилганидек, йўқ нарсани йўндириб бўлмас экан: ташаббуснинг қанотига тилла ҳарфлар билан битилган йиллик мажбуриятни уддалашнинг иложи бўлмади, жуда кўплаб хўжаликлар ҳатто уруғликни ҳам топшириб юборишди. Барибир бўлмади.

Биз бултурги ғалла мавсумининг муваффақиятсиз якунланганлиги ҳақида жуда кўп ваколатли раҳбарлар билан гаплашдик. Зиммасида масъулияти катта раҳбарлар ҳамма айбни табиатга юклашади. Уларнинг айтишича, баҳор иссиқ келиб, экин гулга кирганда уни «булут уриб» кетган эмиш. Муайян масъулиятга эга бўлган раҳбарлар эса сувнинг тақчиллигини рўкач қилишади. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Собир Саъдуллаевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бултур ғалла талаб этилганидан 25 фоиз сувни кам ичган. Агар шу сув бўлганида ғалла тайёрлаш топшириғи ўйнаб-ўйнаб бажарилар экан. Бундан ташқари бултур ғаллазорлар умуман калийли ўғитлар билан озиқлантирилмаган. Фосфорли ўғитларнинг эса 10 фоизи солинган.

Кўпчилик туман ҳокимлари гапнинг тўғрисини айтишдан тортинишади. Чунки улар маҳсулот етиштириш учун бевосита масъул бўлган раҳбарлар-да.

Жамоа хўжаликларининг раислари билан бултурги муваффақиятсизлик ҳақида гаплашмоқчи бўлсангиз, шартта ёқангиздан олишади: нега ғалланинг харид нархи арзон!.. Айтмоқчи, хўжалик раҳбарларининг ичида ҳам ташаббускорлар кўп: бултур тўсатдан музрободлик Одинақул Бозоров янги нав яратди. Аммо янги навнинг буғдой эканлигини ҳам, ғалла эканлигини ҳам ҳеч ким билолмади. Биз бу масалани шу даражада чуқур ва батафсил ўргандикки... Лекин ҳозир бу ҳақда гапиришнинг мутлақо маврили эмас.

Вилоятдаги ишлардан яхши хабардор одам сифатида бир гапни айтамиз: ғалла экиш топшириғи белгиланган муддатда «тугатилган» бўлса-да, аслида ноябрь, декабрь, январь ойларида ҳам ғалла экиш машиналари далаларда санқиб юрди. Ўзингиз айтинг, шундан кейин ҳам суғориладиган майдонлардан кўзланган миқдорда ҳосил олиш мумкинми? Ва худди шунинг учун Жарқўрғон, Термиз, Бандихон туманларида ҳосилдорлик 22-23 центнерда қолиб кетди. Пешқадам ҳисобланган Шўрчи, Денов, Олтинсой туманларида ҳам ҳосилдорлик ўттиз центнерга етмади. Ваҳоланки, Сурхондарёнинг тупроғи шу даражада созки, уқуви бор одам тилла ундириши мумкин: шакарқамиш ўсадиган тупроқни бундан бошқача таърифлаб бўлмайди.

Биласизми, бултур ғалласи ўрилган майдонларнинг тўртдан уч қисми шудгорланмасдан, кузга қолиб кетди. Биринчидан, ўрим чўзилиб кетди, иккинчидан, ҳамма ўрим билан банд бўлди, учинчидан, июлнинг охири билан августнинг бошларида кўп экинларнинг экиш вақти ўтиб кетган бўлади.

Ҳолбуки, ўша «Йигирма беш кун!» деган ташаббус тантаналарига бағишланган йиғилишда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарлари «Ғаллазорлар бу йил бултургидан кўп, шунинг учун ғалладан бўшаган майдонларнинг бир қисмини кузги дон экилгунга қадар талабгор деҳқонларга бериш керак, чунки ернинг умри зое кетмасин», деган эди. Қаёқда...

Ҳарқалай, 50 минг гектарлаб суғориладиган ерларнинг Сурхондарё шароитида юз кунлаб бекор ётиши, ҳатто, уруш йилларида ҳам кузатилмаган.

Бу йил ғаллазорлар ўттиз минг гектарга кенгайди ва яна «ташаббус» кўрсатилди: ғаллачилик бригадалари тугатилиб, қарийб 130 минг гектар ғаллазор шартномачиларга берилди. Уларга қаттиқ талаб қўйилди: «Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўттиз беш центнердан ғалла берасиз — ортиғи ўзингизники, лекин кам бўлса... тўлайсиз». Ҳозир вилоятда 9 минг ана шундай шартномачи меҳнат қилаётир.

Аҳвол қалай? Расмий маълумотларга қараганда, бултур экилган ғалла бу йил январнинг охирига бориб... биринчи сувдан чиқди. Суғорилган майдонлар кунлар исиб кетса, албатта, кўкаради.

Бор гапни айталиган бўлсак, фақат қўшимча озиқлантириш ва суғоришнинг ҳисобигагина ғаллазорларда зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш мумкин. Лекин бунинг ҳеч иложи йўқ — асосий манба бўлган Сурхон сув омборининг тубида 69 млн. куб метр сув қолган. Аммо, ғалла тайёрлаш топшириғини барбод қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Шундай бўлгандан кейин... одам нима дейишни ҳам билмай қолар экан.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 21 февралда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

***Сотув ҳажми 31,32 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 37,00 сўм даражасида қайд этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 22 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 27,90 | 1 Норвегия кронаси | 5,85 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,62 | 1 Польша злотийси | 14,61 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 57,22 | 10 Португалия эскудоси | 2,45 |
| 10 Бельгия франки | 12,46 | 1 Сингапур доллари | 26,43 |
| 1 Голландия гульдени | 22,83 | 1000 Туркия лираси | 0,57 |
| 10 Греция драхми | 1,54 | 1 Финляндия маркаси | 8,21 |
| 1 Дания кронаси | 6,61 | 1 Франция франки | 7,42 |
| 1 БАА дирхами | 10,08 | 1 Швеция кронаси | 5,44 |
| 1 АҚШ доллари | 37,00 | 1 Швейцария франки | 31,44 |
| 1 Миср фунти | 10,89 | 1 ЭКЮ | 46,77 |
| 1 Ирландия фунти | 58,81 | 10 Жанубий Корея вони | 0,48 |
| 1 Исландия кронаси | 0,56 | 10 Япония иенаси | 3, 52 |
| 10 Испания песети | 3,03 | 1000 Россия рубли | 7,76 |
| 100 Италия лираси | 2,35 | 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1 Канада доллари | 26,82 | 1000 Беларусь рубли | 3,22 |
| 10 Хитой юани | 0,44 | 1 Молдова лейи | 8,12 |
| 1 Кувайт динори | 124,16 | 1 Эстония кронаси | 3,19 |
| 100 Ливан фунти | 2,33 | 1 Латвия лати | 67,64 |
| 1 Малайзия ринггити | 14,53 | 1 Литва лити | 9,25 |
| 1 Германия маркаси | 25,60 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,57 |

****) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

